

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚЎЙЛИЕВА ГУЛЧЕҲРА НАЗОРҚУЛОВНА**

**ЎЗБЕК НАСРИДА ТРИЛОГИЯ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

<b>Қўйлиева Гулчехра Назоркуловна</b> Ўзбек насрида трилогия.....	5
<b>Куйлиева Гулчехра Назаркуловна</b> Трилогия в узбекской прозе .....	23
<b>Qo'ulieyeva Gulchekhra Nazarqulovna</b> Trilogy of uzbek proze .....	41
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚЎЙЛИЕВА ГУЛЧЕҲРА НАЗОРҚУЛОВНА**

**ЎЗБЕК НАСРИДА ТРИЛОГИЯ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.PhD/Fil.129 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раҳимжонов Нўъмон Каримович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Умуров Ҳотам Икромович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Улуғов Абдулла Ўзбекович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz))

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15.Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс (8366) 239-11-40

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2019 йил \_\_\_\_\_ даги «\_\_\_\_\_» рақамли баённома)

**М.Қ.Муҳиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

**А.Б.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

**А.Э.Маматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон хусусан, рус, инглиз, француз, немис адабиётшунослигида романлар бирлиги бўлган трилогиянинг тадрижий таракқиёти, ўзига хос хусусиятлари, шакл намуналари изчил ўрганилган. Роман-трилогиянинг бадий етук намуналарини ўрганиш ҳар бир давр адабиётшунослигида устувор ҳисобланади. Трилогия жанрида яратилган бадий асарларнинг эпик турлар тизимида, хусусан, романнависликда етакчилик қилаётгани адабиётшунослар учун айтилади. Адабий ҳодисани чуқур ўрганиш, унинг бадий-эстетик вазифаларини аниқлаш ва бу орқали замонавий дунё адабиётшунослиги эришган ютуқларнинг моҳиятини очиқ бериш заруратини келтириб чиқарди.

Ҳозирги замон жаҳон адабиётшунослигида янгича адабий-эстетик тамойилларнинг изчил такомиллашуви натижасида бадий тафаккурнинг тадрижий ривожини билан боғлиқ илмий концепциялар юзага келишига асос бўлади. Бинобарин, роман-трилогияни илмий жиҳатдан текшириш, унинг бадий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларини асослаш, реалистик тасвир принципига риоя қилинганлик даражасини аниқлаш, тарихий ҳақиқат ва бадий тўқиманинг уйғунлиги масаласини ўрганиш, композициясидаги ўзига хосликларни кўрсатиб бериш, юзага келиш омиллари, ривожланиш жараёнлари, типологик хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни бугунги кун талаблари асосида тадқиқ этиш ҳам адабиётшунослик фани олдида ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Истиқлол даврида миллий адабиётимизни холис ўрганиш, юксак бадиият мезонлари асосида текширишга кенг йўл очилганлиги роман шакллари орасида алоҳида мавқе тутувчи трилогияларни ҳам дунё адабиётшунослиги ўлчовларига мос равишда илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишга катта замин яратди. Айтилади, XX аср ўзбек адабиётидаги, хусусан, мустақилликкача ва ундан кейинги йилларда яратилган трилогиялар мисолида ўзбек насри бадий тафаккуридаги янгиланишларни, фарқли даврларда воқеликни бадий ифодалаш йўсинлари ва поэтик функцияларини турли ракурсларда тадқиқ этиш имкони пайдо бўлди. Зеро, мазкур даврда яратилган трилогияларнинг миллат адабий тафаккурини янгилашдаги аҳамияти ўз даврининг адабиётшунослари томонидан қайд этилган бўлса-да, унинг илмий-назарий жиҳатлари махсус тадқиқ этилмаган эди. Шу маънода: «...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»лигини ҳақли таъкидлаган эди.<sup>1</sup> Шубҳасиз, миллий адабиётимизнинг жаҳонга юз тутиши эпик тафаккур ривожини, трилогияда битилган асарларнинг ёш авлод камолотидаги беқиёс маърифий-маънавий таъсири, келгусида ушбу жанрда яратилажак кўплаб асарларнинг бадий баркамоллиги ва етуқлигига бевосита боғлиқдир.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Трилогия ҳақида назарий манбаларда илк назарий маълумотлар қайд этилса-да, ўзбек адабиётшунослигида ушбу шакл фундаментал жиҳатдан тадқиқ этилмаган. Трилогик асарларга баъзан ўрганилаётган мавзу доирасида, баъзан эса асарнинг бошқа жиҳатлари ўрганилиши асносида маълум даражада муносабат билдирилган, холос. Ҳатто ўзбек адабиётида алоҳида ҳодиса дея баҳоланган «Уфқ» трилогияси ҳақида ҳам фундаментал тадқиқотлар яратилмаган. Трилогиянинг ўзбек адабиётида шаклланиш жараёни ҳақида адабиётшунос С.Мирвалиев «Ўзбек романи» монографиясида трилогиянинг илдизлари халқ эпос намуналаридан келиб чиққанлигини таъкидлаш орқали муносабат билдиради<sup>2</sup>. Қадимий эпосларда қаҳрамонларнинг ички дунёсини очишга алоҳида эътибор қаратилиб романда киши «руҳининг диалектикаси»ни очиш марказий ўринни олиши Иззат Султон томонидан алоҳида таъкидланган. Трилогия ҳақидаги умумий ва илк назарий маълумотлар Иззат Султон, Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқов, Т.Бобоев, Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиевларда учрайди<sup>3</sup>.

Жаҳон адабиётшунослигида бугунги кунда трилогия шаклида шарқ ва ғарб адабий-бадий аънаналарининг уйғунлашиши йирик эпик шаклда тарихий шахс ва замонавий образлар яратишда адабий аънаналарининг ўрни ва аҳамияти сингари долзарб йўналишларда тадқиқотлар олиб борилган.

<sup>2</sup>Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969. – Б.30

<sup>3</sup>Султон Иззат. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 248; Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004; Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: 2007; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.319; Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б. 453; Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева А. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.335; Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1982; Тўраев Д. Ўзбек тетрологияси. – Тошкент: Академнашр, 2017;

Ю.Тынянов, М.Бахтин, М.Б.Храпченко Д.Затонский илмий-назарий қарашлари мисолида кўриш мумкин.<sup>4</sup>

Б.Назаров, М.Кўшонов. Ҳ.Болтабоев. Ҳ.Умутов, С.Мирвалиев, Н.Раҳимжонов, А.Расулов, Қ.Йўлдошев, С.Содиқов, Д.Қуронов каби олимларнинг ишларида адабий жараёнда ўзбек романчилиги тараққиёти босқичлари ҳақида муайян назарий масалалар нуқтаи назаридан атрофлича ўрганилган. И.Ғафуров, Й.Солижонов, Д.Тўраев, Ҳ.Каримов, А.Раҳимов, З.Пардаева, Ш.Дониёрова, Ш.Исаева, М.Пирназарова, У.Жўрақулов, Б.Каримов, А.Улуғов, Ш.Отабоев, И.Самандаров, З.Касимова, С.Акобироваларнинг эса илмий тадқиқотларида миллий романнинг пайдо бўлиши, бадий нутқ поэтикаси, миллий руҳ ифодаси, поэтик маҳорат муаммолари, жанрлар типологияси, романларда услубий изланишларни атрофлича тадқиқ қилинган<sup>5</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, трилогия тадқиқига оид фундаментал тадқиқотларнинг мавжуд эмас. Лекин диссертацион ишда ҳал этилиши зарур муаммолар ва тадқиқот объектлари қилиб танланган асарлар юзасидан турли масалаларга оид яратилган тадқиқотларнинг айримларида ушбу муаммога қисман тўхтанган ўринларгина мавжуд.

У.Ўлжабоевнинг «Адибнинг умрлик китоби» мақоласида «Уфқ» трилогиясидаги Иқромжон, Жаннат хола ва Турсунбой образлари тадқиқ этилган бўлса, адабиётшуноснинг «Саид Аҳмад «Уфқ» трилогиясининг яратилиши ҳақида баъзи мулоҳазалар» мақоласида ушбу асарнинг трилогия

---

<sup>4</sup>Тынянов.Ю. Русская проза. – Л: Академия, 1926; Бахтин М. Эстетика словесного творчества. – Москва: Искусство, 1986; Храпченко М.Б. Художественное творчество, действительность, человек. – Москва: – Худ.лит., 1982; Затонский Д. Искусство романа и XX век. – Москва: Худ. лит., 1973; Ортега-и-Гассет. Эстетика. Философия-и культура. – Москва: Радуга, 1990; Вульф. Современная художественная проза / Писатели Англии о литературе. – Москва: Прогресс, 1982.

<sup>5</sup>Назаров Б. Ҳаётийлик-безавол мезон. – Тошкент, 1983; Кўшонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари/Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Жилд 1. – Тошкент: Фан, 1991; Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб.– Тошкент: Фан, 1992; Умутов Х. Проблема психологизма и узбекский роман: Дисс. ... д-ра. филол. наук. – Ташкент. 1983; Мирвалиев С. Роман ва замон. – Тошкент: Фан, 1983; Раҳимжонов Н. Бадий асар биографияси. – Тошкент: Фан, 2008; Йўлдошев Қ. Модернизм: илдиз, моҳият ва белгилар// Ёшлик, 2014. № 9; Содиқов С. Роман ва танқид. – Тошкент: Фан, 2008; Қуронов Д. Адабий ўйлар. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016; Ғафуров И. Прозанинг шоири. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. – 160; Қурбонов Т. Одил Ёкубовнинг портрет яратиш маҳорати: филол. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 1997; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90 йилларида ўзбек насрида бадий нутқ поэтикаси. филол. фан.д-ри...дисс. – Тошкент, 2002; Тўраев Д. Ўзбек тетрологияси. – Тошкент: Академнашр, 2017; Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80 йиллар): филол. фан.д-ри...дисс. – Тошкент; 1994; Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси (сюжет ва конфликт): филол. фан.д-ри...дисс. – Тошкент, 1993; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари: филол. фан.д-ри...дисс. –Тошкент, 2003; Дониёрова Ш. Истикбол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қахрамон муаммоси: филол. фан.д-ри...дисс. – Тошкент, 2012; Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари филол. фан. ном....дисс. – Тошкент, 2001; М.Пирназарова. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О. Мухтор, Х. Дўстмуҳаммад, У. Ҳамдам, Т. Рустам романлари мисолида) филол. фан.ном...дисс. – Тошкент, 2006; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент. Фан, 2006; Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари (Муаллиф. Жанр. Хранотоп). – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2015; Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент. Ғафур Ғулом НМИУ, 2016; Улуғов А. Қалб қандили. – Тошкент: Академнашр, 2013; Отабоев Ш. Мирзакалон Исмоилий – ёзувчи ва таржимон. – Тошкент: 1978. – Б.35; Самардаров И. Ўзбек тарихий романларида тарихийлик: филол. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 1992; Касимова З. Концепция мира и человека сквозь призму традиций национальной и мировой литературы: автореф. дисс. ...д-ра филол. наук. – Ташкент, 2011; Акобиров С. Американская литература и Восток (на примере первой половины XX века): автореф. дисс. ...д-ра филол. наук. – Ташкент, 2002.

сифатида монографик планда ўрганилишига эҳтиёж ҳақида баъзи мулоҳазалар билдирилган.

М.Сатторов ва А.Каттабековларнинг «Олис юлдузлар жилоси» номли рисоласида тарихий романчилик масаласида «Юлдузли тунлар» романига ҳам муурожаат қилинган. А.Каттабековнинг «Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат» монографиясида тарихий факт ва бадиий тўқима муносабати П.Қодировнинг тарихий романлари мисолида ўрганилган. Ҳ.Умуоров ва А.Носировнинг тадқиқоти<sup>6</sup>да «Юлдузли тунлар» асарига адабий танқидчиликнинг муносабати ўрганилган бўлса, А.Носировнинг монографияси<sup>7</sup>да ушбу тарихий роман бадиий хусусиятлари ва тарихий фактнинг қўлланилиши жиҳатидан ўрганилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Гулистон давлат университетининг «Ўзбек адабиёти адабий тур ва жанрлар ранг-баранглиги» мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек адабиётида трилогик асарларнинг бадиий-эстетик табиатини, сюжет ва композицион қурилиши, қаҳрамон концепцияси масалалари, хусусан, бадиий ўзига хослигини ва тараққиёт тенденциясини асослашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек адабиётида трилогиянинг пайдо бўлиш генезиси, илдизлари ва тараққиёт тенденцияларини белгилаш, унинг бадиий ўзига хослигини ўрганиш натижасида кейинги йилларда вужудга келган тамойилларни очиқ бериш;

трилогиянавислигимизда тарихий ва замонавий мавзуларда яратилган асарларни муфассал таҳлил этиш, уларни ғоявий-бадиий, шаклий хусусиятларига кўра тасниф қилиш;

тарихий ва замонавий мавзуларда яратилган трилогияларни таққослаб ўрганиш, улар орасидаги муштараклик ва фарқли жиҳатларни ёритиш;

танланган мавзу, асарларда акс этган давр, муҳит, географик жойлар тасвири ва талқинларида ижодкорларнинг услубий маҳорати ҳамда адабий тафаккур қирраларини очиқ бериш;

муайян асар композициясидаги ўзига хосликларни кўрсатиб бериш, бадиий шартлилик кўринишларини аниқлаш, умумий ва энг характерли томонларини кўрсатиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида С.Аҳмаднинг “Уфқ”, П.Қодировнинг “Бобур. Юлдузли тунлар”, “Ҳумоюн. Акбар. Авлодлар довони” роман-трилогиялари танланган.

<sup>6</sup>Ўлжабоев У. Бадиий тасвирнинг ҳаққонийлиги. – Гулистон: Зиё, 2007. – Б.39-78; Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъуллиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б. 198-206; Сатторов М., Каттабеков А. Олис юлдузлар жилоси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 264; Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 128; Каттабеков А. Художественное воплощение личности и исторической эпохи в современной прозе: дисс. ...-ра филол.наук. – Ташкент, 1985; Умуоров Ҳ., Носиров А. “Юлдузли тунлар” ва адабий танқид. – Самарқанд: Зарафшон, 2000. – Б. 68.

<sup>7</sup>Носиров А. Бадиият ва тарихий ҳақиқат. – Т.: Фан, 2001. – Б.134.

**Тадқиқотнинг предметини** ўзбек адабиётида яратилган трилогиялар бадиияти, улардаги авлодлар ўртасида образлар сайёрлиги, модернизм моҳиятини акс эттирувчи сюжет элементлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари** Тадқиқот жараёнида илмий назарий таҳлил, қиёсий, тарихий-типологик, психологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

трилогиянинг юзага келиш омиллари, генезиси, специфик белгилари, бадиияти, мазкур шаклнинг типологик хусусиятлари, адиб ижодий индивидуаллиги, унинг ўзбек насрида алоҳида адабий ҳодиса эканлиги истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигининг асосий хусусиятлари сифатида очиқ берилган;

тарихий ва замонавий мавзуда яратилган трилогияларда миллий колоритнинг пайдо бўлиши, уларнинг етакчи хусусиятларини ифодаловчи бадиий рамзлар, деталлар ва тимсолларнинг янгича талқини, инсоннинг ўзини-ўзи тафтиш этиш усули ёзувчи индивидуаллигини белгиловчи етакчи хусусият эканлиги далилланган;

трилогиянинг композицион қурилишидаги ўзига хослик, сюжет йўналишлари жиҳатидан нисбатан мустақил учта асар ҳисобланиши, сюжет чизиқларининг давомийлиги ёритилган;

трилогияга хос хроникали сюжетнинг ўрни, сюжетда асарнинг «бадиий вақт»и эпик асарларда қўлланилиши қулайлиги ва имкониятлари кенглиги аниқланган;

тадқиқ этилган асар қаҳрамонларининг ўзига хос миллий ва маънавий олами, уларнинг асар воқеалари тизимида юритган фаолияти ҳамда тақдирининг бадиий ечими тарихий маълумотлар кесимида изчил қиёсланган, модернистик йўналишда ёзилган трилогиядаги образларнинг ҳаётий ва ҳаёлий тасвирлари адабиёт назариясининг услубий ўлчовлари ва ракурсларда асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотнинг объекти бўлган асарлардаги комил инсонлар тимсоли ҳозирги замон ўқувчисининг маънавий-ахлоқий, эстетик жиҳатдан етук инсонлар бўлиб камол топишида, уларнинг асарнинг бош қаҳрамонлари сингари ватанпарвар, шижоатли ва иродали шахслар бўлиб шаклланишида асосий мезон бўлиши мумкинлиги асосланган;

тадқиқ этилган бадиий асарлар келгусидаги ижтимоий, психологик ва фалсафий йўналишдаги илмий изланишлар учун қимматли ва бой манба бўлиб хизмат қилиши аниқланган;

тадқиқ этилган манбалар келгусида адабиётшунослик ва адабий танқид бўйича илмий тадқиқотлар, дарслик ва қўлланмалар яратиш учун бой манба бўлиб хизмат қилиши очиқ берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, психологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани,

назарий қараш ва илмий хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, трилогияларнинг табиатини чуқур ва атрофлича очиб беришда интернет сайтларидаги маълумотлар, адабиёт назариясига оид Европа ва жаҳон адабиётшунослари томонидан яратилган изоҳли луғатлардан фойдаланиб илмий натижа ва хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар, аввало, адабиётшунослик назариясини бойитилишига хизмат қилади. Шу билан бирга, диссертацияда ўзбек насрида яратилган трилогияларнинг илк марта шакл сифатида яхлит ўрганилиши, унинг қиёсий аспектларда текширилиши, тадқиқот объектига тортилган асарларнинг турли даврларда ёзилгани ҳолда уларнинг композициясидаги муштаракликлар ҳамда ўзига хосликлари, сюжет қурилишидаги қатор тамойиллар асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги хулоса ва тавсиялардан трилогияларнинг шакл сифатидаги алоҳида белгилари, романнинг бошқа шаклларида ажралиб турувчи унсурларини талқин қилишда, шунингдек, олий ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмалар яратиш, академик лицей ўқувчилари учун махсус курслар ўқиш, БМИ ва курс ишларини тайёрлашда, ихтисослик фанларини ўқитишда, шу йўналишдаги тадқиқотлар олиб боришда илмий манба сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек насрида трилогик асарларнинг ўрганиш жараёнида эришилган илмий натижалардан:

ўзбек адабиётида яратилган трилогияларнинг ғоявий-бадий, илмий-эстетик вазифалари юзасидан олинган илмий натижалардан ОТ-Ф1-77-рақамли “Ўзбек адабиёти дурдоналари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 сентябрдаги 89-03-3378-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари роман-трилогияларнинг ўзига хос жанр хусусиятлари ва бадиияти таҳлилига доир қарашларни очиб берилишига хизмат қилган.

трилогиянинг жанр табиати юзасидан чиқарган назарий хулосалардан ХТ-Ф-2-004-рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 сентябрдаги 89-03-3378-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан адабиётшуносликда бадий шаклларнинг тарихий илдизлари, генезиси, янгича тафаккур тарзининг намоён бўлишида бадий детал ва далилларнинг ўрнига оид оид масалаларга ойдинлик киритилган.

Тадқиқот материаллари ва хулосаларидан Туркия Республикаси Карабук давлат университети Адабиёт факультетида ўқитилаётган қардош турк лаҳжалари ва адабиётлари фанида фойдаланилган (Туркия Карабук университетининг 2018 21 июндаги маълумотномаси). Изланишлар натижасида олинган тезислардан эпик асарларда трилогияларнинг алоҳида мавқе эгаллаши, романларнинг дилогия, тетралогия ва бошқа кўринишлари

билан ўхшашлик, яқинлик ва ўзига хослик тамойилларига аниқлик киритилган.

Ўзбек насрида яратилган дастлабки трилогияга оид романлар, шунингдек, модернистик йўналишдаги трилогиялар ҳақида Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг “Юзма-юз” ва “Адабий муҳит” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2016 йил 15 октябрдаги 01.018/138-сон ва 2017 йил 9 январдаги 01.08/112-сон ва маълумотномалари) Натижада мазкур кўрсатувларнинг бадиий савияси оширишга, томошабинлар аудиториясининг кенгайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, маҳаллий журналларда 9 та, хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий анжуманларда 4 та маъруза ва тезислар, 1 та монография нашр қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 139 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Ўзбек насрида трилогиянинг юзага келиш омиллари, етакчи специфик белгилари”** деб номланади ва икки фаслни ўз ичига олади. Бобнинг биринчи фасли **“Трилогиянинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланади. Маълумки, “Трилогия (грекча “trilogia” - уч сўз маъносида) – ўзининг умумий темаси, етакчи ғояси, асосий қаҳрамонлари, сюжет алоқадорлиги билан бир бутунликни ташкил этувчи уч мустақил асар”<sup>8</sup>. “Адабиётшунослик луғати”да эса трилогияга қуйидагича таъриф берилади: “Трилогия (юнонча tri – қўшма сўзлар таркибида уч ва logos – сўз, ҳикоя, ривоят) – сюжет, композицион қурилиши жиҳатидан нисбий мустақилликка эга бўлган учта асарнинг персонажларига эгаллиги, сюжет чизиқларининг давомийлиги, муаллиф ниятининг ягоналиги ва

---

<sup>8</sup> Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча шарҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.319.

шулардан келиб чиқувчи яхлит концепция туфайли бутунликка бирикувидан ташкил топган асар. Антик адабиётда 3 та трагедиядан иборат туркумлар трилогия, деб юритилган. Жаҳон адабиётида драматик асарларни бирлаштирувчи трилогиялар ҳам, эпик асарларни бирлаштирувчи трилогиялар ҳам кўплаб яратилган”<sup>9</sup>. Трилогия ҳақида юқорида қайд қилинган назарий қарашлар бир-бирини тўлдиради. Хусусан, сюжет ҳамда асар ғоясидаги умумийлик учта алоҳида мустақил асарлар жамланмасини бирлаштириб, сюжет ва композицион яхлитликни вужудга келтиришини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Муаллифнинг ғоявий-эстетик мақсади асардаги воқеалар ривожини тадрижини маълум даражада белгилаб беради. Трилогия характеридаги асарларнинг энг дастлабкилари Юнонистонда юзага келган. Эврипид, Эсхил, Софокл каби юнон трагедиянавислари илк драматик трилогиялар яратганлар. Масалан, “Занжирбанд Прометей”, “Орестея”, “Фиванинг етти душмани” сингари асарлар шулар жумласидандир. Кейинчалик жаҳон адабиётида (Бомарше, Ф.Шиллер, Л.Н.Толстой, С.Т.Аксаков ва б.) драматик ва насрий трилогияларнинг хилма-хил намуналари яратилди.

Трилогиянинг лиро-эпик турда ҳам ўзгача намуналарини учратиш мумкин. Ж.Жабборовнинг “Она ер қўшиғи”, “Толлимаржон достони”, “Қуёш нури” (муаллифнинг ўзи эътироф этганидек) каби поэмалари жамланмаси шулар жумласидандир. Рус адабиётида А.К.Толстойнинг “Иван Грознийнинг ўлими”, “Шоҳ Фёдор” ва “Шоҳ Борис” трилогияси шеърини йўл билан ёзилган бўлса ҳам драматик трилогия, деб қаралиши бежиз эмас.

Роман-трилогиянинг бадиий етук намуналарини рус, инглиз, француз, немис адабиётида кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилганлигини кўздан кечириш мумкин. Ушбу шаклнинг ягона ғояга бўйсундирилган, турфа сюжетларни бирлаштирган тўлақонли асар шаклини олган намуналарининг мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Масалан, А.Н.Толстойнинг “Сарсонлик-саргардонликда” трилогияси “Опа-сингиллар” (1922), “Ўн саккизинчи йил” (1928), “Рутубатли тонг” (1941) каби романлардан иборат. Немис адабиётида Генрих Маннинг “Империя” трилогиясида “Содик фуқаро”, “Камбағаллар”, “Бошлиқ” романлари жамланган. Америка адабиёти вакили Теодор Драйзернинг “Истак трилогияси” асари “Молиячи” (1912), “Титан” (1914) ва “Матонатли” (1947) романлар бирлигидан иборат.

Инглиз адабиётида трилогиянинг мураккаб кўриниши, яъни трилогия ичида трилогия ёки қолипловчи трилогия шакллари мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор. Адиб Жон Голсуорсининг “Форсайтлар ҳақидаги эпопея”си трилогияси бунга яққол мисол. Дастлабки трилогияси “Мулкдор” (1906), “Исканжада” (1918), “Ижарага қўйилди” (1920) каби романлардан иборат.

Трилогия бадиияти ғоявий жиҳатдан умумийлиги, мавзунинг муштараклиги, образлар тизимидаги «сайёрлик» тушунчасининг мавжудлиги

---

<sup>9</sup> Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2010.– Б.335.

билан ажралиб туради. Буни миллий эпосларимиз ҳисобланмиш “Гўрўғли” ва “Алпомиш” дostonлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. “Гўрўғли” эпоси туркум дostonлар жамланмаси бўлиб, туркумдаги илк дoston “Гўрўғлининг туғилиши”дан бошланиб, “Гўрўғлининг ўлими” дostonи билан тугалланишида унинг туркум таркибидаги қирқта дostonда ҳам мавжуд эканлигини англатади.

Демак, биринчидан, трилогия композицион қурилиши, сюжет йўналиши жиҳатидан ўзича мустақил учта асар бирлигидан иборат. Иккинчидан, ҳар уч асарни бирлаштириб турувчи трилогиянинг ўзига хос жиҳатлари - умумий қаҳрамонларининг мавжудлиги, сюжет йўналишларининг давомийлиги, муаллиф ниятининг ягоналиги ва шулардан келиб чиқувчи яхлит бадиий-эстетик концепция бутунлигини таъминлайди. Учинчидан, трилогиянинг бадиияти ҳам диққатга сазовор. Унинг ғоявий жиҳатидаги умумийлик касб этиши, мавзу, макон ва замон тушунчаларидаги муштараклик, образлар тизимидаги “сайёр”лик хусусиятлари ҳам трилогиянинг специфик аломатлари ҳисобланади.

Бобнинг «**Ўзбек насрида трилогия шаклидаги бадиий-эстетик тажрибалар**» номли иккинчи фаслида ўзбек адабиётининг XX аср бошларида пайдо бўлган роман жанри ўзининг шаклий, фалсафий, бадиий-эстетик жиҳатдан янгиланиб, шаклланиб келганлиги ҳақида фикр билдирилган.

Маълумки, романлар бирлиги трилогиянинг бадиий яхлитлигини ташкил этаркан, умумтипология хусусиятларидан ташқари, яна бадиий ғоя муштараклиги ҳамда уч мустақил сюжет линиялари бўлиши шарт. С.Аҳмаднинг “Уфқ” трилогияси (“Қирқ беш кун”, “Ҳижрон кунларида”, “Уфқ бўсағасида”) ўзбек адабиётидаги илк мукамал тажрибадир. Адабиётшунос И.Ғафуров: “Уфқ” – йирик эпик полотно. У ўзбек халқи ҳаётининг катта бир тарихий даврини қамраб олиб акс эттирди. Трилогияда ўзбек миллий прозаси тасвир усуллари синтезлашди. Жуда чуқур лиризм билан суғорилган бу асар эпик тасвир билан замонавий илғор психологик таҳлилнинг бирлашган намуналарини беради”<sup>10</sup>, - дейди. Дарҳақиқат, “Уфқ” трилогияси ўзбек адабиётида халқимизнинг XX аср ўрталари воқелигига тегишли тарихини, босиб ўтган йўлини қаламга олди.

Адабиётшунос У.Ўлжабоев тўғри таъкидлаб, “Уфқ” асари трилогия сифатида ўрганилмаганлигини таъкидлайди. “Уфқ” асарининг ҳар бир китоби ҳақида кўплаб мақолалар ёзилган. Лекин у трилогия ҳолатига келтирилгач, махсус ўрганилмади. Шу вазифани амалга ошириш тадқиқотчилар олдидаги вазифалардан биридир”.<sup>11</sup> “Уфқ” трилогиясининг ёзилиш тарихи хусусида адибнинг ўзи ёзади: “Уфқ”ни ёзишдан олдин “Чўл ҳикоялари”ни яна бир марта ҳафсала билан, синчиклаб ўқиб чиқдим. Адабий асар талабларига жавоб бера оладиган дуруст асар бўпти. Бирданига

<sup>10</sup> Ғафуров И. Туганмас умр йўллари / Прозанинг шоири. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.127-128. .

<sup>11</sup> Ўлжабоев У. Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясининг яратилиши ҳақида баъзи мулоҳазалар / Замон талаби ва ижодкор масъулиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б. 205.

хаёлимга, ахир бу ҳикояларда инсон дарди, изтироблари йўқ-ку, деган ўй келди. ...Энди мен бўлғуси “Уфқ”ни бошқача ёзишим керак. Одамларнинг ичидаги дардини, юрагини ўртаётган армонларини рўй-рост кўрсатишим керак”<sup>12</sup>. Ана шу мақсадда қалам тебратган ижодкор инсон руҳиятидаги ўзгаришлар ва эврилишларни бадиий талқин этар экан, шахс қисматини, унинг фожеаларини ҳаёт воқелиги асосида кўрсатади.

Романда халқимизнинг олижаноб миллий хусусиятлари ва ўзига хос миллий характери ёрқин акс этган. Танқидчи И.Ғафуров эса, ҳақли равишда: “Уфқ” трилогиясида ўзбек миллий прозаси тасвир усуллари синтезланганди. Жуда чуқур лиризм билан суғорилган бу асар тасвир билан замонавий илғор психологик таҳлилнинг бирлашган намуналарини беради”,<sup>13</sup>– дейди.

“Уфқ” асарида муҳим композицион унсур бўлган сарлавҳаларнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Асарларнинг сарлавҳаси асар моҳиятида, жумладан, “Қирқ беш кун” деб номланиш бу миллатимиз тарихида муҳим тарихий ҳодиса бўлган Катта Фарғона канали қурилишига 45 кун муҳлати, “Ҳижрон кунлари”да Икромжон ва Жаннат холанинг қўрқоқ ва худбин ўғил туфайли чеккан изтироблари, қайғулари, Низомжоннинг севгилисидан айрилиши, отаси ва опасининг бойликка ўчлиги туфайли чеккан аламлари, уруш даври фожеалари, турфа хил кечинмалар талқини, “Уфқ бўсағасида” эса асосий сайёр образ саналган Икромжон, асарга кейинчалик кириб келган Низомжон, Аъзамжон, Иноят оқсоқол, Холматжон, Дилдор, Асрора сингари қаҳрамонларнинг тақдирлари ва мураккаб ҳаёт йўллари талқин этилган.

Адабиётшунос Ҳ.Абсамиев роман ҳақида қуйидаги фикрларни қайд этади: “П.Қодировнинг Бобур ва унинг авлодлари ҳақидаги романларини “роман-эпопея” деб бемалол айтиш мумкин. Чунки бу асарларда XV-XVI асрдаги Ҳиндистон, Хуросон ва Туркистондаги тарихий воқеалар маҳорат билан тасвирланган”<sup>14</sup>. Олим ўз фикрларини давом эттирар экан, ушбу асарларни Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” тетралогияси билан қиёслашга уринади. Мазкур асарлардаги юзлаб қаҳрамонлар тақдири, руҳий кечинмалари ифодасига аҳамият қаратади. Ёзувчининг асарда гоҳ Бобур бўлиб, гоҳ Ҳумоюн, гоҳ Акбар бўлиб яшашини кўрсатиб беради. Романнинг эпопеяга хос жиҳатларни ўзида мужассам этганлиги ундаги кенг кўлам ва образлар тизими орқали изоҳланади.

Адабиётшунос олим У.Норматовнинг “Юлдузли тунлар”да тарихий фактлар, материаллар юки асарга оғирлик қилган, деган фикрига асар муаллифи қуйидагича мулоҳаза билдиради: “Қуруқ ахборотга мен ҳам қаршиман. Бадиийликдан бутунлай маҳрум бўлган ахборотни романга йўлатмасликка ҳаракат қилганман. Лекин эпик кўламдаги катта асарда тарихий воқеаларнинг ҳаммасини фақатгина жонли тасвирда бериб

<sup>12</sup> www.ziyouz\_com\_said\_ahmad\_yuqotganlarim\_va\_topganlarim. Pg.149-151.

<sup>13</sup> Ғафуров И. Туганмас умр йўллари / Прозанинг шоири. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.89.

<sup>14</sup> Абсамиев Ҳ. Ёзувчи маҳорати ҳақида айрим мулоҳазалар / Олмос истеъдод соҳиби. – Самарқанд, 2008. – Б. 60.

бўлмайди. Бу ўринда танқидчиларимиз эпик асарни лирик ёки лиро-драматик турларнинг гази билан ўлчамасликлари керак”.<sup>15</sup>

“Бобур. Юлдузли тунлар”, “Хумоюн. Акбар. Авлодлар довони” романларида трилогияга хос жиҳатлар мавжуд. Давр нуқтаи назаридан тадрижийлик бобурийлар сулоласининг уч етакчи вакили тақдири орқали акс эттирилган. Сайёр образлар Хонзодабегим, Хумоюн, Моҳимбегим, Ҳамидабонулар билан боғлиқ воқеалар ушбу сулола вакиллари тақдирларидан, катта жуғрофий ҳудудларда кечган ҳаёт тарзидан хабар беради. “Сюжет – характер тарихидир, у характерни шакллантиради, шу жумладан, сюжетда қамраб олинган воқеалар эса характер яратиш воситасидир”<sup>16</sup>. Сюжет тизимидаги изчиллик ёзувчи ғоявий ниятидан келиб чиққан ҳолда, характернинг шакллантирилиши билан боғлиқ тарзда акс эттирилади. Шунга кўра, асарларда асосий сюжет йўналишлари учта. Биринчи йўналиш – Умаршайх мирзонинг Аҳсидаги ҳаёт тарзи тасвирланган экспозиция билан бошланади. У тугундан ечимгача бўлган Бобурнинг бошидан кечирган воқеаларни ўз ичига олади. Йўналиш кульминацияси сифатида Бобурнинг Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг иттифоқлик шартларидан бири – шиа мазҳаби рамзи ҳисобланган ўн икки ўрам саллани бошига кийиши дақиқалари акс этган эпизодни олиш мумкин. Бобурнинг Аграда заҳарланиши, унинг асорати туфайли азобланиши сюжет ечими ҳисобланади. Хумоюн образи билан боғлиқ сюжет йўналишининг экспозицияси, гарчи қаҳрамоннинг туғилиши эпизодлари “Бобур. Юлдузли тунлар” романида акс этган бўлса-да, асосий воқеликка боғлиқ жиҳатлар “Хумоюн. Акбар. Авлодлар довони” романида ёритилган. Асарда Хумоюн асосий образ сифатида шакллантирилган. Учинчи йўналиш – Акбаршоҳ номи билан боғлиқ<sup>17</sup>. Йўналишнинг тугуни айнан шу экспозициядан сўнг юзага келади. Воқеалар ривожини Акбарнинг бутун тождорлик фаолиятини ўз ичига қамраб олади. Ҳар икки романининг композицион қурилиши ўзига хос тарзда шакллантирилган. Трилогия уч йирик ҳудуд (Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон) тасвирини қамраб олган. Асар композициясида ана шу ҳудудларнинг ҳар бирига хос табиат, макон ва замон, ижтимоий шароит тасвирлари акс эттирилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Роман-трилогиянинг бадиий хусусиятлари”** деб номланиб, у икки фаслни ўз ичига олади. **“Трилогияда бадиий тасвир воситалари ва ифода шакллари”** номли биринчи фаслда ижодкорнинг бадиий тасвир воситаларлардан фойдаланиш маҳорати ва услуби масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Роман-трилогия структурасидаги ўзига хос компонентларга боблар, қисмлар, сарлавҳа, пейзаж, портрет, интерьер, бадиий деталь, қолиплаш, киритма эпизод кабиларни киритиш мумкин. “Композиция–асарда ижодкор диққат-марказининг яққоллиги, бадиий ғоянинг аниқлиги, шунга нисбатан асардаги

<sup>15</sup> Қодиров П., Норматов У. Изланиш қувончи ва ташвишлари. Шарқ юлдузи, 1980. 2-сон. – Б. 223.

<sup>16</sup> Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари.– Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б.332.

<sup>17</sup> Қодиров П. Хумоюн ва Акбар. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.298.

катта ва кичик қисмлар ҳамда образларнинг жой-жойига қўйилиши ва уларнинг тасвир меъёри ва мақсадга мувофиқлигидир”<sup>18</sup>. Ишда ушбу компонентларнинг трилогиядаги ўзига хос ўрнига эътибор қаратилди.

Композиция унсурларидан бири бу бадиий деталь бўлиб, у асардаги характерлар хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади. “Ҳар бир бадиий асар кишиларнинг яшаш шароити, характери, қаҳрамонларнинг психологияси ва уларнинг тўхтовсиз ўзгариб туришига, ривожига алоқадор саноксиз бадиий деталлар йиғиндисидан иборатдир”<sup>19</sup>. Демак, бадиий деталь қаҳрамон ҳаракатланадиган жой, унинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракати кабиларни изоҳлаши, шу орқали муҳим бирор хусусиятга эътиборни жалб қилиши муҳим. Шунга кўра бадиий асарларда деталнинг ўзига хос турлари қўлланилади.

“Уфқ” трилогияси композицион қурилиши уч роман бирлигидан иборатлигидир. Пейзаж тасвири эпик асардаги муҳим компонентлардан бири. Трилогияда сўлим водий тавсифи билан боғлиқ табиат тасвирлари ўзига хос тарзда ифодаланган. Улар трилогиянинг аксар ўринларида интерьер билан уйқаш тарзда акс этирилганлиги бадиий тўқимани янада табиийлаштирган. Хусусан, “Қирқ беш кун”нинг экспозициясида берилган матн фикримизни далолатлайди: “...Қалин толлар соя ташлаган. Четида тинимсиз жилдираб сув оқадиган бу кўча, айниқса, саратон кезлари жуда жимжит бўлади. Гувала деворлар орқасида бекинган чанг босган беҳи ғўралари, теракка чирмашган аймақи узумлар бу кўчага ажиб бир ҳусн бағишлайди”<sup>20</sup>. Муаллиф шундай ажойиб пейзаж тасвиридан сўнг интерьернинг ўзига хос чизгиларини ифода этиш орқали тасаввурни аниқлаштирган. Асарда тасвирланган “тиник фируза осмон”, “арғимчоқ солган турна”, “бўронларни кўкрак билан тўсган толлар”, “оч писта мағзидек баргчалар” каби ташбеҳлар санъаткорнинг моҳирона қўлланмалари, бадииятнинг гўзал намуналари, дейиш мумкин.

Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясида ой, офтоб, юлдузлар, чўл ва водий кишлоқлари тасвири ўзгача ўрин тутди. Умуман, “Уфқ” трилогиясидаги табиат тасвирлари Саид Аҳмаднинг ўзига хос услубини, бадиий маҳоратини кўрсатувчи поэтик омиллар саналади.

П.Қодировнинг “Бобур. Юлдузли тунлар”, “Ҳумоюн. Акбар. Авлодлар довони” роман-трилогияси анъанавий услубда ёзилган. Шу боис ушбу асар муаллиф нутқи орқали ҳикоя қилинади. Асар компонентлари ҳам анъанавий усулда жойлаштирилган. Китобхон тасаввурини янада ойдинлаштириш мақсадида кичик бўлим ва фаслларга ҳам мўъжаз сарлавҳалар танланган. “Бобур” романида “Аросат”, “Фалакнинг гардиши”, “Қил устида турган тақдирлар”, “Зафар ва кулфат”, “Кўчки босган булок” каби сарлавҳалар мавжуд. Асардаги пейзаж, интерьер, портрет тасвирлар ҳам айнан ўша ҳудудлар ва қаҳрамонлар табиатига мувофиқ берилган. Хусусан, роман-трилогия “Бобурнома” асари асосида ёзилганлиги ундаги тасвирларнинг

<sup>18</sup> Султон Иззат. Адабиёт назарияси.– Тошкент: Ўқитувчи, 1986.– Б.258

<sup>19</sup> Султон Иззат. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986 – Б.194.

<sup>20</sup> Аҳмад Саид. Уфқ .– Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.– Б.3.

ҳаққонийлигини далолатлайди. Лекин ёзувчи фантазиясининг ҳаётийлик принципи билан мутаносиблиги бу борадаги тасвирларнинг янада муваффақиятли чиқишига сабаб бўлган.

Адабиётшунос Ҳ.Умуров ёзганидек: “Бадиий асар ҳаётнинг ўзига хос яхлит, мустақил бир парчасини қайтадан жонлантирар экан, жуда кўплаб бетакрор ва мураккаб жараёнларни бошидан кечиради, айти пайтда, ҳар бири якка олам (асар) бўлиб дунёга келади. Мавзу ва ғоя, образ ва характер, сюжет ва композиция, бадиий тил ва услуб, тур ва жанрлар каби воситалар, асарнинг мукамаллигини, бадиийлигини таъминлашга хизмат қиладилар”<sup>21</sup>. “Юлдузли тунлар” романида пейзаж ва интерьер каби композицион воситалардан ташқари, пейзаж талқини, қаҳрамонларнинг портрет чизгилари, руҳиятини, унинг ботиний оламидаги зиддиятларни ҳам етакчилик қилади.

